

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Н.Ж. Абдуллаева

Андижон давлат университети Умумий педагогика кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7377869>

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда педагогик масъулиятни шакллантиришининг ижтимоий-сиёсий тавсифи, касбий фазилат сифатида зарурияти ҳамда педагогик жараёндаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, масъулият турлари ва унинг асосий функциялари жамият талабларига мувофиқ ўрганилган.

Калим сўзлар: замонавий таълим, педагогик масъулият, касбий масъулият, масъулият турлари, масъулият функциялари, шахсий фазилатлар, касбий эркинлик, ҳуқуқий масъулият, қадрият.

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

Аннотация. В данной статье анализируется и дается характеристика видов ответственности и её основные функции, важность формирования у будущих учителей педагогической ответственности, как основного качества в педагогическом процессе, как имеющего социально-политическое значение и отвечающее требованиям общества.

Ключевые слова: современное образование, педагогическая ответственность, профессиональная ответственность, виды ответственности, функции ответственности, личностные качества, профессиональная свобода, правовая ответственность, традиции.

FORMATION OF PROFESSIONAL RESPONSIBILITY IN FUTURE TEACHERS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM

Abstract. This article analyzes the socio-political description of the formation of pedagogical responsibility in future teachers, its necessity as a professional virtue, and its importance in the pedagogical process. Also, the types of responsibility and its main functions were studied in accordance with the requirements of the society.

Keywords: modern education, pedagogical responsibility, professional responsibility, types of responsibility, functions of responsibility, personal virtues, professional freedom, legal responsibility, value.

Давлатимизнинг бугунги сиёсати таълим-тарбия соҳасида умуминсоний қадриятларга эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда замонавий таълим бўлажак ўқитувчиларга жиддий талаблар қўймоқда. Бундан кўзланган мақсад ижтимоий муносабатларга киришишга ёрдам берадиган асосий шахсий фазилатларни аниқлаш ва мустақил фаолиятда уларни қўллаш ҳамда бутун фаолиятни масъулият билан бошқариш масалаларига эътибор қаратишдан иборатдир. Шахсининг ижтимоий ривожланганлик кўрсаткичини белгиловчи фазилатлардан бири бу масъулиятдир.

“Масъулият” деганда шахсий сифатларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда бир бутунликда намоён бўлиши, мустақил қарор қабул қилиш ва натижани олдиндан кўра билиш каби жиҳатларни тушунализ.


Мамлакатимизда масъулиятни шакллантириш борасидаги ҳаракатларни таълимнинг ҳал қилувчи босқичи бўлган мактабданок шакллантиришга киришиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон фаолияти давомида онгли ва ихтиёрий танловни амалга оширади. Бунда у ахлоқий меъёрларга таянмоғи зарур. Жамият ўз меъёрлари ва қоидалари асосида эркинликнинг қамровини белгилайди. Эркинликни амалга ошириш бевосита жамиятнинг тараққиёт ҳамда ривожланиш даражаси, ички ижтимоий алоқа шаклларига боғлиқ. Шахснинг ўзини ўзи англаши нафақат индивидуал, балки ҳамкорлик тажрибаси, мақбул ечимни излаш ва умумий фаолиятга асосланади. Шунинг учун “эркинлик” ва “масъулият” тушунчалари мазмунан “адолат” тушунчаси билан тўлдирилади, яъни жамиятда мавжуд бўлган барча меъёрлар ва қадриятларни ҳурмат қилиш асосида жамоавий яшаш ва бошқаларнинг фикрларини инобатга олиш зарурият экани муҳим омил сифатида баҳоланади.

Педагогик фаолият – бу ёшларни инсоният эришган илмий, маданий, маънавий-маърифий, диний ва бошқа қадриятлар асосида ҳаётга тайёрлашдир. Шундай қилиб, масъулият педагогик фаолиятнинг муҳим сифатларидан бири. Ахлоқий атама сифатида масъулият қарор қабул қилиш ва мустақил ҳаракатларни амалга оширишни белгиловчи муҳим омил сифатида шахснинг ўз вазифаларига муносабатини ифодалайди.

Масъулият мустақилликни, ҳар қандай назорат қилинишидан қатъий назар, инсоннинг ўзига бўлган ишончи ва унинг берилган топшириққа мутаносиблигини назарда тутади.

Масъулиятнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:



Масъулият турлари

Ҳуқуқий масъулиятнинг моҳияти шундан иборатки, инсон туғилганидан яшаш ҳуқуқига эга. Шу боис инсон умри давомида қонуний тушунчалар ва уни ўзида акс эттирадиган ҳуқуқий маданиятга эҳтиёж сезади ва унда аста-секин ҳуқуқий билимлар шаклланиб бориши натижасида ҳуқуқий жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади.

Ҳуқуқий масъулият ёрдамида давлат томонидан аниқ ва қатъий амал қилиниши муҳим бўлган қонунлар, меъёрлар, қоидалар ва кўрсатмалар ҳар бир жамият аъзоси томонидан фаолияти давомида мунтазам бажарилишига эришилади.

Агар ахлоқий ва ҳуқуқий масъулиятни солиштирсак, бунда биринчиси жамиятда ахлоқий меъёрларни ҳимоя қилиш билан бирга уни инсонларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлиши, иккинчиси эса қонун устуворлигига эришишини англатади.

Ҳуқуқий масъулиятнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у ёшларни қонунбузарликдан огоҳлантиради, мавжуд меъёрлар доирасида фаолият юритишга йўналтиради, интизомга амал қилмаган пайтда айбдорга нисбатан ички тартиб-қоидага бўйсунмагани учун тегишли чоралар қўлланиши ҳақида тушунчаларни шакллантиради.

Сиёсий тарбия орқали сиёсий масъулият ҳам тарғиб қилинади. Бунда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, турли жамоалар, шунингдек, сиёсий воқеа-ҳодисаларни ўз қарашлари орқали ифодаловчи вакилларни назорат қилиш таъминланади. Ёшларда сиёсий масъулиятни ошириш учун уларни турли ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилиш муҳим. Талабаларни бўлажак педагогик касбига тайёрлашда уларнинг касбий масъулиятини тарбиялаш катта аҳамият касб этади.

Касбий масъулиятнинг ўзига хослиги шундаки, (педагогик, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, шахсий ва бошқалар) юқорида санаб ўтилган масъулиятларнинг барча турлари таркибида мавжудлигидир.

Шахсий масъулият – бу шахснинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, хоҳиш-истакларининг қондирилиши, эътиқоди ва саломатлигини назорат қилиш борасидаги ҳаракатлар тизими.

Масъулиятлилик шахсни касбий ўсишида унинг бутун фаолияти мазмунига муҳим омил сифатида сингиб кетади ва ижтимоий ҳаётда ўз аксини топади. Масалан, талабанинг ўқув фаолиятида ундан талаб қилинадиган қатъият, фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, виждонлилик ва топшириқларни ўз вақтида бажариш каби фазилатларга эга бўлиши орқали ўқув масъулияти пайдо бўлади.

Шу боис, олий таълим тизимида олиб бориладиган ўқув-тарбиявий жараён ўқитувчилик касбини танлаган талабаларнинг таълим муассасасида педагогик фаолият моҳиятини тўғри англаши учун хизмат қилиши ва бу фаолият уларда масъулиятни шакллантиришга қаратилган узлуксиз жараённи характерлаши лозим. Бунда бўлажак ўқитувчиларда касбий масъулиятни ортишида қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- талабаларга ҳуқуқ ва мажбурият, одоб-ахлоқ, ижтимоий бурч, қадрият ва зарур ижтимоий хатти-ҳаракатлар борасидаги билимларни етказиш;

- бўлажак ўқитувчиларда ўз ишига масъулият, жамият талаблари ва қўйилган вазифаларга онгли амал қилиш, белгиланган мақсад сари интилиш ва ижобий муносабатни шакллантириш;

- бўлажак ўқитувчиларга ўзини ўзи ривожлантириш, муттасил ўз устида ишлашлари учун шароит яратиш, ҳамкорликда фаолият юритишга уларни ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш.

Тадқиқот жараёнида шахснинг мутахассис сифатида шаклланишида зарур бўлган қуйидаги муҳим экзистенционал компонентлар: масъулият, бурч, виждон, эркинлик, жавобгарлик каби сифатлар моҳиятини очиб берадиган назарий маълумотлар жамланди.

Масъулият араб тилидан таржима қилинганда “жавобгарлик”, “ҳисоб бермоқ” маъноларини англатиб, бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун жавобгарликни англатади. Ўзбек тилида масъулият тушунчасининг муқобили сифатида бевосита

жавобгарлик тушунчаси (ўз зиммасидаги вазифанинг бажарилиши учун масъулиятли ҳолат, масъулият) қўлланади.

Бурч – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатадиган ахлоқий тушунча. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланади. Яъни у жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий негизлари билан белгиланиб, имон-этикод, онглилик, ҳалоллик, виждон каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ.

Эркинлик тушунчаси шахснинг мустақиллиги, унинг ички дунёсига ташқаридан таъсир кўрсатилишида муҳофаза этилиши (виждон, динга этикод қилиш, фикр юритиш) эркинлиги ва ҳоказоларни англатади.

Виждон – фақат инсон зотида хос нарса. У арабча “важада” (топмоқ) сўзининг масдари (келиб чиқиши) ҳисобланади. Виждон бу инсоннинг ички олами, ўзи ва ботиний кувватидир. Виждон бу ҳис-туйғулар, реакциялар, хоҳиш-истаклар, бирор нарсани яхши кўриш, ёмон кўриш, мойил бўлиш, нафратланиш, бирор ҳолатдан маънавий лаззат олиш ёхуд аламланиш каби инсоний туйғулар мажмуасидир.

Жавобгарлик - ахлоқ категорияси сифатида шахс томонидан қарор қабул қилишга ва фаолиятни амалга ошириш жараёнида белгиланадиган асос бўлиб, у томонидан қабул қилинадиган бирор нарсага (шартга) тобелиги. Масъулият – жавобгарлик эмас, жавобгарлик масъулиятнинг бир бўлаги, яъни уни тўлдириб турадиган иродавий сифат ҳисобланади.

Масъулият шахсдан онгли фаолиятни талаб этади. Эркинлик ва масъулиятнинг намоён бўлиши шахснинг ақлий салоҳияти билан белгиланади, шунингдек, у инсоннинг ахлоқи ва маънавияти, маданияти билан ҳам узвий боғлиқдир. Масъулиятлиликнинг туб моҳияти жавобгарлик функцияларини таҳлил этишни тақозо этади. Бу омилга кўра ўзига хос тизим асосида масъулиятнинг асл моҳияти очиб берилади. Масъулият функцияларини очиб бериш - бу бўлажак ўқитувчининг шахсий сифатларини шакллантиришга оид муҳим томонларни аниқлашдир. Масъулиятнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

Масъулиятнинг асосий функциялари.



1. **Қиймат йўналиши функцияси.** Фаолият жамиятда мавжуд қийматга эга бўлган меъёрларга асосланишни аке эттиради. Бу функция когнитив, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа хусусиятлар асосида шахснинг инсонлар билан ўзаро муносабатлари жараёнларда намоён бўлади. Албатта, шахс ҳаёт фаолиятининг асосий қатламларида фаол ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожланиши эътиборга олинади.

2. Сафарбар этувчи функция – қабул қилинган қарорни самарали амалга оширишда шахснинг ўз фаолиятини сабот билан бажаришга ҳиссий-иродавий ҳамда психологик тайёр бўлиши.

3. Хулқни назорат қилиш ва коррекциялаш функцияси. Субъект масъулиятни режали тарзда намоён этишда жамият талаблари асосида амалга ошириш нуқтаи назаридан уларга тўғри ёки бунинг акси бўлган камчиликларга йўл қўйиш каби масалаларни назорат қилишни назарда тутди. Назорат асосида субъект хулқини коррекция қилишига ваколатли органлар жавобгардир.

4. Ўзини ўзи назорат қилиш функцияси. Бу функцияни амалга ошириш масъулият элементлари кўриниши, уларнинг шахсда намоён бўлиши эҳтимолини назарда тутди.

Талабаларда касбий масъулият ҳиссини ошириш, бошқариш, фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик жараёни жамият талаблари асосида мақсадли ва тизимли олиб бориш масалалари олий педагогик таълим муассасалари зиммасига юклатилган.

Юқорида шахснинг жамият олдидаги масъулияти эркинлик билан боғлиқ равишда таҳлил этилди. Талабаларда педагогик масъулиятни шакллантириш муаммосининг ўзига хос томонларидан бир у эркинлик билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланишидадир.

REFERENCES

1. Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.–Т.: 2017. -Б.40.
2. Аҳмедова Н.М. Интегротив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.–Т.: 2020. -Б.161
3. Нурманов А.Т. Педагогические возможности подготовки студентов к технологии и технике эффективного общения (на примере внеаудиторных занятий). –Автореф. ...дисс. док.пед.наук. – Ташкент, 2017.
4. Турғунов С.Т., Мақсудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. – Т.: Фан, 2009. – 168 б.
5. Узиков И.А. Масъулият тушунчасининг моҳияти ва ижтимоий талқини // Молодой ученый. – 2020. – № 10. –С.251-254.
6. <http://files.tsul.uz> › student